

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Д. Анваров	
“Бобурнома” асарида Эсан Давлатбегимнинг Фарғона водийси жараёнларидаги тасвири..	167
М. Жўраев	
Ўрта Осиё туркий халқлари астромифологиясида оқбўзот ва қўкбўзот юлдузлари.....	170
З. Раҳимов, Д. Гуломов	
Романда ассоциатив сюжет.....	174
М. Ғаниев	
Ўзбек насрида тарихий роман генезиси ва ривожини.....	176
М. Хамидов	
Романларда Машраб образи билан ёндош тарихий шахслар	180
Р. Умурзаков	
Мумтоз адабиёт намуналарида бола образи ва давр руҳи	186
И. Саймуратова	
Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романида бош қаҳрамон масаласи	190
Д. Тўраева	
Бадиий ижодда онгли ва интуитив ҳолатлар	195
Н. Бўриева	
Уилям Шекспир сонетларининг бадиий хусусиятлари.....	200
Н. Ҳамраев	
Нодавлат телеканаллар медиамаҳсулотлари номланишининг ўзига хос хусусиятлари	204
Х. Убайдуллаев	
Турли тиллардаги фразеологизмларнинг эквивалентлари ҳақида	208
М. Батирханова	
Соматик фразеологизмларнинг таснифлаш масаласига доир.....	211
Ш. Хасанова	
Расмий иш услубининг лексик ва фразеологик хусусиятлари.....	214
Г. Турдиева	
Лингвокультурология замонавий лингвистик таълим сифатида.....	217
Л. Галимуллина	
Инглиз тилида фразеологик бирликларда учрайдиган қимматбаҳо тошлар ва металлларнинг рамзий аҳамияти.....	221
Н. Гофурова	
Инглиз ва ўзбек тилларида қурилиш терминларининг структурал - семантик таснифи	226
У. Маҳмудова	
Тилшуносликда реклама мустақил дискурс сифатида	229
З. Акбарова	
Концепт ва лисоний онг	233
З. Тожиматова	
Ўзбек адабиётидаги илк аёл ижодкорлар ва уларнинг ўрганилиши.....	235
Х. Хусамбоева	
Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда рейтинг индикаторларининг аҳамияти	238
	ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ
Адабиётимиз фидойиси	241

жамиятдаги ҳаётӣ тажриба билан боғлиқ бўлган маълум бир воқеликни акс эттиради.

Концепциялар ва концептуализацияга бағишланган ишларда учта асосий ёндашув мавжуд: когнитив, лингвокультурологик ва синкретик. Миллий тилнинг ўзига хослигини ва ушбу тилда сўзлашувчилар дунёсининг маданий жиҳатдан ўзига хос ифодасини ташкил этадиган бир қатор тушунчалар киритилган. Миллат маданиятини ташкил этувчи тушунчаларнинг умумийлиги маълум бир тилга хос бўлган концептуал соҳани ҳосил қилади. Ушбу ёндашув тарафдорларининг фикрига кўра, ҳар қандай лексик ва фразеологик бирликларни тушунчалар сифатида кўриб чиқиш, уларнинг маъно талқинида у ёки бу усулни аниқлаш мумкин.

Тушунчалар коинотда, дунёда маълум бир нарса, объект, ҳодисаларни бир-биридан фарқлаш кўникмаларини категориялаш учун пайдо бўлади.

Лисоний онг – бу когнитив тилшуносликнинг асосий категорияси бўлиб, у дунёнинг одам томонидан тил призмаси,

тил категориялари, сўз маънолари, фонетик шакли ва синтактик тузилмалари орқали идрок этилиши ва тушунилишини ўз ичига олади. Лисоний онг психоллингвистика методлари, жумладан, ассоциатив тажрибалар ёрдамида ўрганилади. Лисоний онг дунёнинг турли хил мужассамликларга эга бўлган билвосита тасвирда ўзини намоён қилади. Хусусан, дунёнинг билвосита лисоний манзараси (одам дунёни лисоний категориялар орқали идрок этади), билвосита бадиий тасвири (бадиий тасвирлар орқали идрок этиш), жумладан, шеърий ва фольклор тасвири (ўз навбатида, шеърият ва фольклор тасвирлари асосида идрок этиш) ажралиб туради.

Лисоний онг муайян тил жамоаси учун муҳим ва аҳамиятли бўлган тушунчалар йиғиндисиدير. Концепция маълум бир тил жамоаси аъзолари учун, маълум бир маданият учун аҳамиятли бўлган, барқарор умумлашмалар шаклида намоён бўладиган, дунёнинг бадиий тасвиридаги бадиий тимсоллар ва бошқалар каби ҳар қандай мавзу ёки ҳодиса ҳақидаги умумий фикрдир.

Адабиётлар:

1. Козлова Л.А. Концепт личного пространства и способы его языковой представленности // altgpru.ru/Journal/vestbspu/2001/gumanit/PDF/kozlova.pdf – с.5
2. Степанов Ю. С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования. – М.: АСТ, 2001.
3. Лихачев Д.С. Концептосфера русского языка // Известия Академии Наук. Серия Литература и язык. – 1993. – Т. 52. – № 1.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).

УДК: 8-1/-9+8-34

ЎЗБЕК АДАБИЁТИДАГИ ИЛК АЁЛ ИЖОДКОРЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

ПЕРВЫЕ ЖЕНЩИНЫ-ПИСАТЕЛИ В УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ И ИХ ИЗУЧЕНИЕ

THE FIRST WOMEN CREATORS IN UZBEK LITERATURE AND THEIR STUDY

3.Тожиматова¹¹ 3.Тожиматова

— ФарДУ адабиётшунослик йўналиши магистранти.

Аннотация

Мақолада турли манбаларда келтирилган ўзбек аёл ижодкорлари ва уларнинг ўрганилиши мавзуси кенг ёритилади.

Аннотация

В статье широко исследуется тема творчества узбекских женщин-писателей, упомянутых в различных источниках.

Annotation

The article covers the issue of Uzbek women writers and their research in various sources.

Таянч сўз ва иборалар: тазкира, аёлижодкорлар, ривоят, ҳикмат, шоира, афсона, ижтимоиймуҳит, рубоий, мушоира.

Ключевые слова и выражения: тазкире, женщины-писатели, повествование, мудрость, поэтесса, легенда, социальная среда, рубаи, поэтический турнир.

Keywords and expressions: tazkira, women artists, narration, wisdom, poetess, legend, social environment, rubai, poetic tournament.

Тарихдан маълумки, аксарият ҳолларда фақат сарой аёлларигина илм билан шуғулланишга муваффақ бўлганлар. Улар илм саҳналарида сезиларли даражада ўзларини кўрсата олмаганлар. Шундай бўлсада, шарқ аёлларидан етишиб чиққан сўз санъаткорлари ҳам анчагина, бироқ шунда ҳам улар Хижобий, Ниҳоний, Махфий каби тахаллуслар билан ижод қилганлар. Бу каби маълумотларни шоиралар ҳақидаги тазкиралардан кўришимиз мумкин.

Дастлаб, 1960 йилларда устоз Мақсуд Шайхзода таклифларига кўра тазкиралардан аёл шоиралар ҳақида маълумот излаш бошланган. Шу йиллар мобайнида ўттиздан ортиқ тазкиралар, кўплаб баёзлар ва гулчинлар кўриб чиқилди.

Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарида учта шоира ҳақида тўхталиб ўтилганини кўрамиз. Буларнинг бири Меҳрий Ҳиротий, иккинчиси Бедиллий ва Биче (Бибича) Мунажималардир. [1] Алишер Навоий даврида замоннинг ижтимоий-сиёсий шароити аёллар ҳақида маълумот йиғиб зикр этмасликка ундаган. Шу сабабли Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида 459 шоир ҳақида маълумот берган ҳолда, атиги уч шоирани ўзаро айтиб ўтган. Аммо давр ўтиши ва дунёқарашлар ўзгариши сабабли

шарқ адабиётида ҳам шарқ аёллари ҳақида тазкиралар ёзиш бир мунча ривожланди. Масалан, Саййид Муҳаммад Сиддиқ Баҳодирнинг “Шамъи анжуман”, Муҳаммад Зеҳнийнинг “Машоҳир ун-нисо”, Муҳаммад Музҳар Ҳусайнийнинг “Рўзи равшан”, Саййид Али Ҳасанхоннинг “Субҳи гулшан”, Лутф Али Озарнинг “Оташкада”, Фахрий Хиравийнинг “Жавохир ул-ажойиб, Шамсиддин Сомийнинг “Қомус ул-аълум”, Мир Ҳусайндўст Санбаҳлийнинг “Тазкираи Ҳусайний”, Ризоиддин бинни Фахриддиннинг “Машхур хотунлар”, Шерхон ибн Али Аҳдийнинг “Ништари ишқ”, Вожид Алининг “Матла ул-улум”, Амир Музаффар Ҳашматнинг “Тазкират уш-шуаро” каби асарлари шулар жумласидандир. [2, 6-7-б]

Ана шундай тазкиралардан яна бири Муҳаммад ибн Муҳаммад Пофёе Маликул Китобнинг “Тазкират ул-хавотин” (1884-85) тазкираси бўлиб, унда XII асрдан то ўз замонасигача бўлган форс, араб ва турк тилида ижод қилган 177 шоира ҳақида маълумотлар, ривоятлар ва ҳикматлар келтирилган.

Мулла Муҳаммад Сиддиқ Охунзода Ҳиротийнинг 1904 йилда ёзилган “Тазкират ун-нисо” тазкираси ҳам шу жумладандир.

Унда 140 шоира ҳақида маълумотлар ва ривоятлар келтирилган.

Ушбу манбаларда аёллар ҳақида ҳақиқат билан бир қаторда афсоналар ҳам ўрин олган. Мазкур тазкираларда Робия (X аср), Исматий ва Ойиша Самарқандий (XI аср), Муниса Маҳастий (XII аср), қошғарлик Мутриба (XIII аср), хоразмлик Подшо Хотун (XIV аср), Алишер Навоий замондошлари: Меҳрий, Хайринисо, Гавҳарбегим, Дилшод Хотун, Оқабекка, Мунажжима, Бедиллий кабилар, Жомийнинг “Нафоҳат ул-унс” асарида номлари қайд этилган шоиралар Гулбадан, Гулруҳ, Нуржаҳон, Зебуннисо, Вазирулнисо, Бузургий, Салима, Зайнатулнисо, Жаҳоноро (XVII аср)лар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот топиш мумкин.

Хонлиқлар даврида Дилшоди Барно ҳам ўзининг “Тарихи муҳожирон” асарида Хайринисо, Баҳринисо, Анбар отин, Нодира, Тўти қиз, Саида бону, Мастураой, Фазилат, Кароматой, Фидоия, Маҳин бону, Ҳофиза отин, Баҳри каби шоиралар ҳақида маълумот беради. Пўлатжон Қаюмийнинг “Тазкират ул-Қаюмий” тазкирасида ҳам 7 та шоира ҳақида маълумот олиш мумкин. Унда Увайсий, Нодира, Маҳзуна, Муаззам, Лайли хоним, Нозима, Нозик каби шоиралар ва уларнинг ижодидан намуналарни учратиш мумкин. [3]

Ўзбек шоираларини илк бор алоҳида ўрганган олим Иброҳим Даврондир. Иброҳим Даврон ўзбек шоираларининг шеърларини тўплаб нашр этиш йўлида муттасил йигирма йил иш олиб борган. Натижада турли даврларда яшаган шоираларнинг шеърларини топиб, уларни жиддий равишда таҳрир қилиб, 1941 йилда Қўқонда “Ашъори нисвон” номи билан нашр этди. “Ашъори нисвон” 60 бетдан иборат бир китобча бўлиб, 23 шоиранинг 44 шеърини ўз ичига олади. Китобнинг бошида Давроннинг “Бир сўз”, “Хотинлар ҳақида бир нутқ” сарлавҳали мақолалари бор. Бу мақолада аёлларнинг кишилиқ жамияти тараққиётида катта рўл ўйнаганлигини исбот этувчи жуда кўп далиллар келтирилган бўлиб, аёллик оламига юксак эҳтиром билан ёзилган. Даврон мақола охирида ўзбек хотин-қизларининг инқилобдан илгариги оғир аҳволлари тўғрисида сўз юритиб, алам ва изтироб билан шундай ёзади:

“Бизда бечора хотинларга ҳайвон муомаласи, баъзан, балки аксар

ҳайвонларга раво кўрилмамуш булара раво кўрилуру. Эрларина жонсўз ва меҳрибон экан, 2, 3, 4, 5, балки 6 хотинлар олубда, тўнғич болаларина боқмаюб, ўгайлаб, ўзларина душман қилиб, қиз олуб...Бежурм ва бесабаб кўяверарлар. Хотинларнинг мулк-ашёларини алдаб олуб, бир бош икки оёқбила қолдириб, хўрлаб дарбадар қон йиғлатиб ташлаб кетарлар. Кўчаларда йигит оғаси бўлуб, қорин тўйдируб келуб, хотинларга қоқ нонни... юз ҳақоратлар ила верурлар. Ҳайф тириклик. Во, хотинлар ҳолина...”[4, 4]

Бошқалар аёлни аҳамиятсиз ҳисоблаган чоғда, Иброҳим Даврон уларнинг оташин ҳомийси бўлиб чиққан экан, бу шоирнинг маънавий жиҳатдан ўз замондошларидан кўп даражада юқори кўтарилганидан далолат беради.

“Ашъори нисвон”да сўзбоши ва юқорида келтирилган хотинлар ҳақидаги нутқдан сўнг, қуйидаги шоираларнинг шеърлари нашр этилган:

1. Назима Хоним, 2. Зебуннисо Бегим, 3. Василат Хоним, 4. Нозук Хоним, 5. Осима Хоним, 6. Садиқа Биби, 7. Нигор Хоним, 8. Жаҳон Ойим, 9. Собира Биби, 13. Биби Ҳамида, 14. Тўти Қиз, 15. Шараф Хоним, 16. Биби Ҳанифа, 17. Лайли Хоним, 18. Зебуннисо (бу машҳур Зебуннисо Бегим емас, кўқонлик шоирадир), 19. Ризвон Биби, 20. Турғоқли Ҳадия Биби, 21. Надима, 22. Моҳзода Бегим, 23. Нодира Хоним.

Иброҳим Даврондан сўнг, Тўхтасин Жалолов аёл ижодкорларни изчил ўрганиб чиқиш асосида “Ўзбек шоиралари” номли китоб яратди. Ушбу китоб илмий жиҳатдан асосланган, аёл ижодкорлар ҳаёти ва асарлари таҳлил қилинган илк тадқиқот ҳисобланади.

Олим унда ўзбек шоираларининг дастлабки намунаси сифатида Зебуннисони келтиради. (“Ҳумоюннома” насрий асар бўлгани боис Гулбаданбегим ҳисобга олинмаган бўлиши мумкин.) Зебуннисо Бобурмирзонинг чевараси Абу Зафар Муҳиддин Аврангзеб Оламгирнинг қизидир. Унинг онаси Дилрасбону Бобурнинг Гулбадан деган қизига бориб туташади. Аврангзеб улуғ бобоси Бобур томонидан Ҳиндистонда барпо этилган бобурийлар давлатининг подшоҳларидан эди. Ўша замоннинг кўп олимлари шахсан Зебуннисобегимнинг ўзидан маош олар